

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

O'zingni angla!



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 13-iyul, chorshanba

№ 28 (987)

1996-yil dekabrden chiqqan boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.uzhurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 1 июлдаги «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига қўра, мамлакатимизнинг барча ҳудудида ушбу байрам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келди.

Тошкентда «Samsung» бренди остида замонавий холодильниклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик жамияти компанияси ҳамда Жанубий Кореянинг «Samsung Electronics Co.Ltd» компанияси ҳамкорлигида амалга оширилган ушбу йирик лойиҳа юртимиз sanoatchilariнинг мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуг 25 йиллик байрамга муносиб совға бўлди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Сеймининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик гуруҳи раҳбари Валериус Симулик бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан шу йилнинг май — июнь ойларида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир — фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғини ҳамда брифинг ташкил этилди.



БЎЛҒУСИ КУРСАНТЛАР ТЕСТ СИНОВЛАРИ ТОПШИРДИ

Мамлакатимизнинг барча олий ҳарбий таълим муассасаларида 10 июль кuni давлат тест синовлари бўлиб ўтди.

Бугун миллий армиямизда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда замонавий таълим-тарбия олган, маълум бир мутахассисликка эга йиғитлар хизмат қилмоқда. Шу боис эски қолип ва мезонлардан қатъий воз кечиби, ўқув-тарбия ишлари ва қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини ташкил этишнинг янги шакли ва услублари яратилмоқда, ҳарбий таълим тақомиллашмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида зарур касб кўникмалари ва етакчилик қобилиятига эга, интеллектуал салоҳияти юқори, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга қодир офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизimini тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши бу борада дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатта мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синовлари ҳар йили 10 июлда ўтказилиб, курсантликка қабул қилинганлар рўйхати 15 июлда эълон қилинмоқда.

Мазкур фармойиш тўғрисида олий ҳарбий таълим муассасаларини курсантлар билан тўлдирish сифати

тини янада яхшилаш учун пухта тайёрланган ёшлар орасидан номзодларни танлаб олиш тақомиллаштирилди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишга кириш учун тест синовларидан ўта олмаганлар бошқа олий ўқув юртиларига ҳужжат топширишга улгурмоқда. Бу келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодга давлатимиз томонидан яратилаётган катта имкониятлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли олий ҳарбий таълим муассасаларида ёшлар ўттизга яқин мутахассислик бўйича тахсил олмақда. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бир неча мутахассислик бўйича юқори малакали офицерлар тайёрланмоқда. Билим юртидаги замонавий ўқув хоналари, қурол-яроғ ва жанговар техника, машғулотлар ўтказиш комплекслари, спорт иншоотлари, кутубхона ёшларни жисмонан ва маънан етук инсонлар сифатида шакллантиришга хизмат қилмоқда. Малакали профессор-ўқитувчилар тўрт йил давомида уларга касб сирларини ўргатмоқда.

Саралаш босқичларидан муваффақият билан ўтиб, тест синовларига қадар етиб кела олган абитуриентлар сони ўтган йилларга қараганда анча ортган. Бу соҳага бўлган қизиқиш



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Ушбу олинган суратлар

ошаётганидан, олий ҳарбий таълим муассасасида тахсил олиб, келажакда офицер сифатида элу юртимизга садоқат билан хизмат қилишни истаган ёшлар сафи борган сари кенгайиб бораётганидан далolat.

Сурхондарё вилояти Музработ туманида туғилган, мудатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини қўлга киритган Бобур Поёнов ушбу олий ҳарбий таълим муассасасига ҳужжат топширди.

Тест синовларига пухта ҳозирлик қўрдим, ўзимга ишонман. Ушбу олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириб, офицер бўлиб етишиш ва Ватанимга муносиб хизмат қилиш ниятидан, — дейди Бобур.

Шу кuni Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида ҳам тест синовлари ўтказилди. Ундан муваффақиятли ўтган ёшлар алоқа, телекоммуникация ва ахборот технологиялари каби соҳаларда мутахассис бўлиб етишди.

Тест синовларига қадар етиб кела олганидан хурсандман, — дейди Нукус темир йўллар касб-хўнари коллежи битирувчиси Аширбек Карлибаев. — Тинимсиз ўқиб-изланганларим, спорт билан мунтазам шуғулланиб, тайёрлигимни ҳар доим мустақамлаб келганим бунда қўл келди. Насиб этса, мақсадимга эришаман ва офицер бўлам.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий ас-

кар Достон Бозоров ҳам да ҳам абитуриентлар давлат тест синовларини топширди.

Айни пайтда билим юртида автомобиль қўшинлари тактик қўмондонлиги, ракета, қурол-аслаҳа, ўқудори тактик қўмондонлиги, артиллерия тактик қўмондонлиги сингари йўналишлар бўйича Қуролли Кучларимиз учун юқори малакали профессионал кадрлар тайёрланмоқда. Эътиборлиси, ушбу мутахассисликларни эгаллаб, миллий армия сафларида хизмат қилишни орзу қилган ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жорий йилда билим юртига ўқишга киришда бир ўринга олти номзод тўғри келатгани ҳам шундан далolat беради.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! "ЖАМИЯТ ВА МЕН"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун "Жамият ва мен" танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий қўмағида ўтказилади.

Танлов йўналишлари:

- ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

Махсус номинациялар:

- "Ўз даврининг қаҳрамони" мавзусида энг яхши мақола;
- "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ёзилган энг яхши мақола.

Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби:

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2016 йил 1 январдан 10 ноябргача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;
- маълуми ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- материалнинг маънодорлиги ва тушунарлилиги;
- аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 10 ноябрга қадар Тошкент шаҳар — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: (371) 244-14-28.

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтариқмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.

Хуррамли луштарылар.

2016 йилнинг келгуси ойлари учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин.

Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



Ота-оналар университетидан сабоқлар

«МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАМ»

Юртимизга келиб-кетадиган хорижлик меҳмонларнинг биздаги жамоавийликка асосланган кадриятларга ҳавас билан қарашларини кўп эшитгансиз. Маҳалла тузилмаси, ҳашар тушунчаси бошқа мамлакат ва халқларда учрамаслиги ҳам барчага аён. Халқимиз азалдан нафақат ижтимоий-маиший масалада, балки таълим-тарбия борасида ҳам ҳашар қилишга одатланган. Бу ишлар асосан маҳаллада амалга оширилган. "Маҳалланг — ота-онанг", "Бир болага етти маҳалла ота-она" нақллари бунини тасдиқлайди.

Собиқ тузум даврида ушбу тузилма асл моҳиятини йўқотиб, жамиятдаги ўрни пасайиб кетди. Ота-боболардан мерос миллий кадриятлар бешиги бўлган маҳалла буйруқ-бозлик тизимига хизмат қилди. Ватанимиз истиқлолга эришгач, миллий давлатчилик пойдевори яратила бориб, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари иштини йўлга қўйиш ана шу сиёсий ислохотнинг узвий қисмига айланди. Одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, тотувлик, эҳти-

ёжманд кншилар ҳолидан хазина олиш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамақсад ўтказиш каби элимизга хос урф-одат ва анъаналар яна давом эта бошлади. Ҳозирги фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тааллуқли бўлган ўттиздан зиёд вазифани бажариб келмоқда. Маҳаллалар қошида саккизта комиссия, шунингдек, жамоатчилик кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролар йи-

гинлари ҳудудида истиқомат қилаётган ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллалар қошида "Ота-оналар билимлари" ташкил этилган. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги "Шофайзи" маҳалласи бу борада пешқадимлардан. 2012 йилда илк бор мазкур маҳаллада шундай жамоатчилик кенгаши ташкил этилиб, тақдироти ўтказилган эди. Хўш, бундай тузилмага нега эҳтиёж сезилди, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— Гуруч қурмаксий бўлмаганидек, ҳар бир маҳалланинг, оиланинг ўз муаммолари бўлади, — дейди МФЙ раиси Бахтиёр ака Шамсуддинов. — 1200 та оила истиқомат қилаётган ҳудудимизда намунали оила-лар кўп. Қирққа яқин оила — бобосидан тортиб набирасигача олий маълумотли, зиёли, ҳар жиҳатдан ўрнатилган кўрсаттулик. Энди, ўқимшли бўлмаса-да, тинч-тотув, ҳурмат-иззати жойида оилалар ҳам кўп.

Ватан софинчи

Мазмун-моҳияти бир-бири билан узвий боғланиб кетган бу сўзлар замирида тенгсиз маъно мужассам. Инсон тириклиги, барҳаётлиги, имону эътиқоди, яшашдан мақсади — бари-бари мана шу ибораларда зоҳир. Зеро, Ватанини, халқини севган, киндик қони томган диёрини қутлуг орузлар, эзгу ниятлар уммонига чўмилтириб яшаган одам бахтли.

антикиш тутиб кетганини ҳали-ҳануз унутмайман...

Эши қирқ бешларни қоралаб қолган бу йигитнинг маънавият булогига чўмилтириб олгандек самимий суҳбатини тинглар эканман, ўйга ботдим. Қаранг, кимлардир Ватанини муқаддас саждагоҳ билиб, тупроғини кўзларига тутиб қилишга ошиқ-са-ю, кимлардир худди ўз ота-онасига қўл кўтарган оқлардан фарзанд, яқинларига ёвузлик истаган биродаркуш сотқин янглиғ киндик қони томган юртга тош отиб, бегона жойларда сангиса...

Бундайлар манфур мақсадларини рўёбга чиқариш ниётида Ватан кучогини хун қилишдан ҳайқимайдиган манкуртлардир. Уларнинг пешонасига тубанликда яшадек даҳшатли жазо муҳрланган. Аммо арзиматан пул, мол-дунё орттириш ёки яшаш учун қулай гўша топиш илнжиди хорижга талпиниб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаётганларга нима дейиш мумкин?! Келинг, ўзимизча мулоҳаза юритишга шу ерда нуқта қўйиб, бу саволнинг жавобини ҳам ҳаётий воқеалар замиридан ахтарайлик.

Қўшни қишлоқда турадиган бир оғайнимнинг қўлида гўлдек ҳўнари бўлиб, рўзгорини ҳалолдан топганига тебратиб юрарди. Қўнларнинг бирида у хорижга кўчадиган бўлиб қолибди. Буни эшитиб, ўзинг олдида бордим. Шаптанган тушириб, бу йўлдан қайтариш мақсадида сўз бошладим:

— Дўстим, гап-сўзларга қараганда, олис ўлкаларга кўчмоқчи экансан, тинчликми?

— Ҳа, у ёқларда пул топиш осон дейди, ёшларимиз ҳаракат қилиб қолайлик-да!

— Қари ота-онанг бор, уларнинг тақдирини не кечадиги?

— Не кечарди, уларни ҳам олиб кетмоқчиман, — деди у пинагини ҳам бузмай.

— Ватанни-чи, киндик

қонинг томган тупроқни-чи? — дедим унинг бепарво жавобидан жиндек асабийлашиб.

— Э-э, оғайни, қизик экансан-ку. Қаерда қорнинг тўқ, устинг бут бўлиб, яшаш учун бошпананг борми, уша ер Ватан-да!..

Унинг бу жавобидан ортиқча гапга ўрин қолмаганини англаб ўрнимдан турдим. Орадан кўп ўтмай оғайнимнинг кўчишига отаси кўнмаганлиги боис унинг ўзи хорижга ишга кетганини эшитиб, кўнглим бироз таскин топгандек бўлди. Қайтиб келганидан кейин албатта у билан яна бир гаплашишни дилга тутиб қўйдим. Аммо орадан олти-етти ой ўтиб-ўтмасдан уни тасодифан йўлда учратиб, суҳбатлашганимдан сўнг ҳайратдан лол қолдим.

Ушанда хизмат тақозосига кўра пойтахтга бориб, кечроқ қайтгандим. “Бахт” қўли ёнидаги бекалга ўтган-кетган машиналарга қўл кўтарастан “хорижлик” оғайнимни кўриб, беихтиёр тормозни босдим. Машинадан шошиб тушганча у билан кўчоқлашиб қўришдим. Салом-алиқдан сўнг: “Ўтир, оғайни, қолганини йўлда гаплашамиз” дея уни салонга таклиф этдим. Машина енгил силкиниб ўрнидан кўзгалач, қисқа фурсатли сукутатни яна ўзим буздим.

— Қандай, оғайни, ишларинг дурустими?

— Раҳмат, яхши, ўзинг қалай-сан?

— Қачон келдинг, қаерларда бўлдинг?

— Икки ҳафтадан ошди.

— Энди бормайсанми, иш-қилиб?

Бу гапни эшитиб, оғайнимнинг бунчалик кескин ўзгарганига бир зум лол қолдим-у, беихтиёр: «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган гапнинг нақадар ҳақлигига яна бир бор имон келтирдим.



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

— Йўқ, оғайни, бормайман.

— Жуда яхши қиласан, кампир-чолнинг яхши юришибдими?

— Раҳмат, оғайни, раҳмат!


Мени ушанда гафлат босиб, сени хафа қилган эканман. Уэр, дўстим! — деди-да, у негадир, чуқур сўлиш олиб, сўзида давом этди. — Киши мусофир бўлмай, мусулмон бўлмайди, деганлари рост экан. Турғиси, хорижга бориб кўзим очилди. Киши юрт қадрини юртдан йироқлашганда сезар экан. Анча қийинчиликларга рўбарў бўлиб, овулга аранг келдим. Бизни: “Катта маош тўлайди”, деб хорижга бошлаб борган азамат қўлликка сотиб юборган экан, номард! Катта ойлик олиб, мўмай даромад топиш у ёқда турсин, зўравонлардан фуқаролик паспортини ҳам ололмай, қочиб қутулдим. Яхшиямки, уйни сотиб, кўчиб кетишимга отам кўнмаган экан.

— Илтимос, оғайни, болаликдан бирга ўсган қадрдонимиз, яширмай айт-чи, хорижда қийналган дамларингда хаёлингдан нималар кечди?

— Яширмайман, оғайни, яширмайман. Кимсасиз чўларда қийналиб, қочиб-пусиб, очюпун юрганымда: “Эсон-омон уйга етсан, ота-онамни, оиламни соғ-омон кўрсан, ҳўлимиз бурчағиди қора тандирида ёпилган нондан бир шўфтинни оламан-у, унинг бирини эшик олдида оқадиган ариқ сувига ботириб ейман. Сўнг иккинчисини кўйнимга тикқанча, мириқиб ухлайман”, дея онг ичганман...

Жамолиддин АБДИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

“ЮРТИМ ДЕГАН ЮТҚАЗМАС, БОЛАМ...”



Дарҳақиқат, биз шукроналик фазилатини кексаларимиздан ўрганган халқимиз. Кўпни кўрганларнинг насиҳати билан эзгуликларга қўл урамиз. Лоғонликлар орасида Шокиржон ҳожи ота Йўлдошев эл меҳрини ва ҳўрматини қозонган дилкаш инсонлардан бири. Шокир ота Лоғоннинг саҳий далаларида улгайган. Шу ердан ризқ топиб, фарзанд тарбиялаган. Салкам саксон ёшга кирган отахон бутун ҳам шу даладар нафасини туйишдан, пайкал айланмадан чарчамайди. “Ўзингизни уринтириб нима қиласиз, ота, тиним билмайсан-а. Дам олсангиз-чи, бизга қўйиб беринг бу юмушларни”, деб қўноқчаллик қилувчи кўшнилари ҳам, биродарларни ҳам Шокир ота кулибгина рад этади. Қачонлардир қолхозга айлантирилган бу заминда эндиликда фермеру тadbirkorларнинг иқболи порлаётганидан чинакамига қувонади. Ўтган 25 йиллик умрининг қувонч ва таъшишлари шу лаҳзаларда кўз олдида ўтади. Ота-хоннинг юрагига нуроний ёшида гайрат, шижоат бағишлаётган туйғу ҳам аслида мана шу — мустақиллик шукронаси.

— Оламини нурга тўдириб уйғонган қуёш қалбимизга қандай ёқимли ҳисларни олиб киради. Тонгнинг шу лаҳзаларини кузатмоқликнинг ўзи бир завқ. Истиклол ҳам халқимиз боши узра ана шундай зиё сочиб қириб келди. Қалбимизга эркинлик нури кириб келди, — дейди Шокиржон ота. — Дастурхонимиздаги оппоқ нонларга қараб болагимни эслайман. Мактабда савод чиқариш у давр болаларининг орзуси эди, холос. Юпунгина кийинган болакайлари-нинг келажаги туғул бутуни ҳақида фикр юритишнинг ўзи ортиқча эди. Атрофга бир разм солинг. Бу гўзал иморатларни ким бунёд этди? Бу гўзалликларнинг яратувчиси — халқимиз қудрати. Оғир ва машаққатли йиллар суронидан ҳам элимизни ҳамжихатлик олиб чиққан эмасми? Бунёдкор элни буюк эл, деса бўлади. Юртбошимизга минг раҳмат. Ёшларга юксак гамхўрлик кўрсатиш баробарида биз кексаларни ҳам эътибордан четда қолдирмайптилар. Инсонни азиз юртга яшайтман. Бизга яна нима керак? Эркинлик тикланди, қадриятларимиз ўзлигимизга қайтди. Шукри, ўтган йилларда муборак ҳаж зиёратиди бўлиб қайтдим. Муқаддас сафарда Ватанимиз биз учун тенгсиз имкониятларни ҳозирлаб берганини кўпроқ ҳис қилдим. Бутун юртим деган одам кам бўлмайпти. Хоҳ қурувчи, хоҳ тadbirkor бўлсин, қилаётган ишдан мамнун, ризқи мўл. Шуларнинг ўзи ҳам мустақиллик шукронасига ундайди.

Табаруқ отахон самимий суҳбатда меҳнатсеварлик инсоннинг зийнати эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу ҳислат қаҳрамонимизнинг фарзандларига ҳам ўтган. Саодатхон ака Қодирқўлов билан 11 нафар фарзандни воёга етказиб, бутун уларнинг ортидан раҳмат ва олқишга сазовор бўлаётган ота-она тарбиянинг ёруғ йулидан, таъбир жоиз бўлса, бахт топдилар. Бунёдкор элимизнинг етакчи сафарларида бутун шу фарзандлар ҳам сидқидилдан меҳнат қилишяпти. Отахоннинг қизлари Раънохон, ўғиллари Шавкатжон, Мўминжон, Мухторжон, Мустафо, Баҳодиржон қурувчилик соҳасидан обрў-эътибор топишди. Сабриддин, Муроджон, Бобуржон, Ҳамрохон, Сурмаҳонлар ҳам ўз касбининг устаси бўлиб, жамиятга наф келтиришяпти. 31 феврал, 6 чеваранинг қамолди тинчлик, бахтиёрликнинг тимсолони кўраётган Шокир ота мустақиллик халқимизнинг буюк тақдирини яратганидан чексиз миннатдор.

Ҳаёт шундай. Яна тонглар отади. Истиклол қуёши Лоғоннинг фазийиб далалари қатори Шокиржон отанинг қалбига ҳам нур олиб киради. Не ажабки, бу зиёдан бунёдкор элнинг бутун одамлари баҳраманд...


Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Жаҳонгир МИРЗАМатов олган сурат.

Қуёшдан бир ҳовуч нур

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Замонавий ўқув бинолар, спорт иншоотлари барпо этилиб, халқимиз хизматига шай ҳолатда турибди. Тошкент вилоятининг сўлим Чирчиқ шаҳрида ҳам эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимиздан унча узоқ бўлмаган, бир томони сўлим боғ-роғлар, бир тарафи юксак тоғларга туташ Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шўх кўчаси билан бошланади. Ўзига хос манзара ва тароватга эга бу маконнинг ариқлари мудоим тиниқ сувга тўлиб оқиб, ҳавосининг мусофоллиги, саноат ривожланганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Бир оқ элик мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган, етмишдан ортиқ милад ва аэлатларни ўз бағрига олган шаҳарда ободончилик, бунёдкорлик ишлари жадвал кечмоқда. — Жонажон диёримиз қўндан-қўнга чирой оқаётгани. Энг муҳими, ватандошларимиз юз-қўзида қувонч, яхши кунларга ишонч бор, — дейди биз билан суҳбатда Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг маънавият-тарбияот ишлари бўйича раҳбари Рихис Бекбўтаева. — Истиклолимиз арафасида шаҳримизда рўй бераётган ўзгаришлар, қурилиш ишларида ҳамшаҳарларимизнинг фидокорона меҳнати, жон-бозлиги мужассам. Президентимизнинг жорий йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзига мужассамлаштирган тарғибот-таъшиқот ишларини олиб боришни режалаш-



тирганмиз. Бунда тегишли комиссия аъзоларидан тарқиб топган маънавият гуруҳи вакиллари билан қорхона ва ташкилотлар, маҳалларда “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” ғоясининг мазмун-моҳиятига бағишланган тadbirkorлар, давра суҳбатлари уюштириляпти. Бозорларимизда ҳам раддиор қорқли шу мавзуда элдикдан ортиқ суҳбатлар, қизикарли эшиттиришлар бериб боришмоқда. Шунингдек, шаҳримизнинг ободончилиги юзасидан истиклолимизнинг 25 йиллик тўйига тўёна сифатида шаҳар ҳокимининг буйруғига асосан, 25 та кўча “Энг намунали кўча” деб эълон қилиниши кўзда тутилган. Бунда маҳаллалар озодаллиги, кўчалар кўрақамлиги, аҳоли турар жойларининг шинамлиги ва тозаллигига алоҳида аҳамият берилади. Бир сўз билан айтганда, шаҳримизда байрамни муносиб кутиб олиш ишлари тизимли равишда олиб боришмоқда.

ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

Чирчиқ шаҳридаги Г.Чайковский номидаги 15-музыка мактабида ҳам истеъдодли ёшлар талайгина. Бу ҳақда мактаб директори Нилуфар Исроилова шундай дейди: — Мактабимизда беш юздан ортиқ ёшларимиз халқ чолғулари, эстрада ижрочилиги, фортепиано, хореография, халқ амалий санъати (миниятура, дигайн) каби жами 13 та йўналиш бўйича таълим олади. Ўқувчиларимиз иқтидори нафақат республи-

ликаимиз, балки хорижий мамлакатларда ўтказилаётган халқаро кўрик-танловларда ҳам юқори баҳоланмоқда. “Санъат гунаҳари”, “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Камалат юлдузлари” каби танловларда ўқувчиларимиз голиб ва совриндор бўлмоқда. Хусусан, Россия, Озарбойжон, Қозоғистон, Туркия сингари давлатлардаги танловларда иқтидорларини намойиш этишди. Шу йил 1 ва 5 май кунлари Испанияда ўтказилган халқаро танловда ҳам шоғирларимиз 1 та биринчи ва 2 та учинчи ўринларни эгаллаб, юзлари ёруғ бўлиб қайтишди. Бир неча бор ана шундай халқаро танловлар голиби Равшан Садридинов, Омонбек Рихсимбоев, Отабек Бахтиёр, Азамат Йўлдошев, Фарангиз Жалонова, Чўлпон Карабекова, Вероника Ким сингари истеъдодли ёшларимиз фахримиздир.

Дарҳақиқат, истеъдодларни топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ўқитувчию мураббийлар зиммасига катта масъулият юклайди. Аммо ёшларнинг саломатлиги, уларни ҳеч бир касалликка чалинмай воёга етиши ҳам муҳим вазифадир. Бу борада шаҳардаги тиббиёт муассасаларида ҳам режалаш ишлар олиб боришмоқда. — Оилавий поликлини-

камиз тасарруфида элик мингдан ортиқ аҳоли бўлса, улардан 12 600 нафари болалардир, — дейди Чирчиқ шаҳар 2-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокорлари бўлими мудири, олий тоифали шифокор Дилфуза Орипова. — Айни пайтда умумий амалий шифокорлар ва ҳамшираларимиз маҳаллаларга бириктирилган бўлиб, улар болалар саломатлигини асраш ва тиклаш йўлида хизмат қилмоқда. Шу кўнга қадар худудимизда оналар ўлими кузатилмади. Болалар ўлими эса тўрт баробарга камайди. Тизимли равишда 5 ёшгача бўлган болаларга витаминизация ва дегелментизация ишлари олиб борилиб, А витамини билан умумлашмаган болалар тўлиқ қамраб олинди. Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан, худудда ички тармоқ режасига биноан болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Бунда болалар ўртасида касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволлаш ҳамда шифохона ва санаторий-курорт масканлари томон йўналтириш ишлари бажарилиди. Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигига эътибор йилдан-йилга ортиб бораётгани шифокорлар зиммасидаги вазифалар кўламини янада орттиради. Бу эса

ЭЛ ДУОСИ

Нуронийларнинг дуосини олиш, уларнинг бой тажрибасини, ҳаётий ўнгиларини тинглаш ҳар биримиз учун ибратлидир. Шу кўнларда қутлуг 100 ёшни қаршлаётган, қўллари элнинг дуосида бўлган Зубайдулла ота Тошматов ҳам ёшлигини Иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларига бағишлаган, халқимизнинг осойишталиги учун хизмат қилган фидойи кексаларимиздан. Одатда китобларда ўқиган, суратларини, фильмларини томоша қилган уруш ҳақида отадан эшитиш, тафсилотларини тинглаш бизга ҳаяжонли бўлди.


— Урушни кўрган кўзлар даҳшатдан қотди. Таҳликадан бир кунда сочлари оқариб кетганларни ҳам кўрганман, — дейди Зубайдулла ота 1941 йилнинг ёз ойларини эслаб. — Уруш ростмана даҳшат эди. Бир ёқда замбараклар гўмбурласа, яна бир тарафда кўкдан тушган бомбалар ерни зир титратарди. Танкларнинг гувиллаши эса қўлоқни қоматта келтирарди... Олти марта яраландим. Кечалари оқолларда изгиб, қўлимизда қурол билан қачон уруш тутаркин,

Наргиза АСАДОВА

Ёшларини асраган юртнинг бағри бутундир

► ШАРҲ ҲУРИДА

Тинчлик, маънавий камолот ва тараққиёт. Бир қараганда, уларнинг бари бошқа-бошқа сўзлардек туюлади. Аммо бу тушунчалар бир-бирига чамбарчас боғланган. Улардан бири бўлмаса, ҳеч қайсиниси бўлмайди. Бугун буни жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари тақдири мисолида кўряпмиз. Улар кечираётган суронли йиллар, одамлар кўзидаги хавотир, берилаётган беғуноҳ қурбонлар жаҳон ахлини серган тортишга, эртанги кунга теранроқ нигоҳ билан қарашга ундамоқда.



Айни дамда “глобаллашув” атамаси янги сўз бўлмай қолди. Зеро, биз у билан “нафас оляпмиз”. Эндиликда дунёнинг бир чеккасида юз берган ҳодиса ҳақидаги хабар унинг бошқа бир четига сониялар ичида етиб бориши билан бирга, у ердаги ҳаётга ҳам бевосита таъсир ўтказмоқда. Бепарволик, “бу ҳодисанинг менга алоқаси йўқ” деб қараш эса тинчликнинг таъназулга юз тутиши учун қадам қўйилишига сабаб бўлиши мумкин. Зеро, глобаллашув инсониятни жуда кўп нарсалардан маҳрум бўлишига ҳам олиб келаётгани бор гап. Бунинг мисолини дунёда кечаётган ахлоқсизликлар, оммавий йўқотишларга ҳам кўришимиз мумкин. Бир пайтлар иқтисодиёти юксак марраларни эгаллаган баъзи давлатлар аҳолисининг маънавий дунёқарши тубанлашиб бораётгани боис таъназулга йўлиқмоқда. Тобора урчиб бораётган ахлоқсизликлар — инсонлар орасида маънавий қадриятларнинг йўқолиб боришига сабаб бўлмоқда. Шах “мен”нинг биринчи ўринга чиқиши, демократия ниқоби остида қўнғилга келган ишни амалга ошириш, бир жинсли никоҳларга қонуний тарзда йўл очилиши шусиз ҳам тобора “кексайиб” бораётган давлатларнинг келажагини хавф остида қолдирмоқда. “Оммавий маданият”нинг тобора ёйилиб бораётгани эса ҳар қандай буйруқни онгсиз бажаришга тайёр бўлиб қолган масъулиятсиз омман пайдо қилипти. Шу маънода ҳудудларда кечаётган жараёнлар бизни ўйлашга ва хулоса чиқаришга ундайди. Хўш, нега шундай бўляпти? Бу фалокатларнинг илдизлари қаерда? Бир пайтлар бирламчи муваффақиятни дунёда етакчилик қилиш, замондан устун келиш би-

лан боғлаган халқлар асл бойлик — миллат болаларини, миллат ўзлигини бой бериб қўйди. “Бугунги кунда дунё миқёсида 75 миллионга яқин бола қуролли тўқнашувлар ва табиий офатлар туфайли азият чекмоқда. Ва бу ҳолат уларнинг таълим олиш имкониятидан маҳрум қилган”. 168 миллионга яқин бола меҳнат қилишга мажбур қилинади. Шундан беш миллиони қўллик шамагонларда ишлайди. 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳар тўрт боланинг биттаси гу-манитар инқироз кутилаётган мамлакатларда яшайди. “Буюк” давлатларнинг кўпчилигида бола тарбияси билан ота-оналардан кўра кўпроқ ёлланган тарбиячи, анагалар шугўлланишади. Мактабларда таълим тизими янги йўлга қўйилган бўлсада, пулли бўлгани боис ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам мактабни тугаллай олмайди. Натияжада бўш қолган болалар ўртасида жиноятчилик одатий ҳолатга айланмоқда.

Этиборсизлик, бепарволик...
Ўз ҳолига ташлаб қўйишнинг “демократия” сўзи билан синонимга айланиши...
Ва бугунги кунга келиб ушбу юртлар гиёҳвандлик, ОИТС, жиноятчиликнинг ўчоғига айланиб қолиши...
Бу нарсалар ҳар биримизни мулоҳаза қилишга ундайди. Тинчликка, юртидаги бугунги тараққиётга ҳолис, шукрона кўз билан қарашга ўргатади. Бундан йигирма беш йил аввал халқимиз мустақилликка эришгани эълон қилинган кунда юртимизнинг фақатгина эрки эмас, балки абадий тинчлиги ҳам мустақамланиб қўйилган эди. Ўзбекистон илк йиллардаёқ бошқа давлатлар ички сиёсатига аралашмаслик, дунёдаги ҳеч бир ҳарбий блокка қўшилмаслик, шунингдек, беғоналарнинг юртимиз ички ҳаётига аралашшига,

таъйиқига йўл қўймаслик сиёсатини қабул қилди. Бу қарорнинг нақадар тўғри бўлганини ўтган йигирма беш йилда мамлакатимизда эришилган мисли кўрилмаган ютуқлар ҳам исботлаб турибди. Инсон ўзига-ўзи баҳо бера олмайди дейишди. Агар ҳеч нарсага эришилмаган бўлса, уни ширшиб осмонга олиб чиқиб қўйсанинг ҳам пуфак тез орада ёрилиб кетади. Эсланг, жаҳоннинг катта-катта ривожланган давлатлари иқтисодий инқирозни бошдан кечириётган бир паллада Ўзбекистон йилни фойдала билан яқунлағач, ўзбек моделини ўрганишга бўлган ҳаракатларнинг бошланиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида “Бутун жаҳон бахт индексида” юртимиз 158 та давлат ичида 44-поғонани, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги орасида эса 1-ўринни эгаллашди, булар шунчаки мақтов эмас, балки эътироф.

Бугун Ўзбекистон жаҳон билан бўйлашмоқда. Мамлакатимизнинг фан, таълим, тиббиёт, спорт, санъат соҳаларида ютуқлари ҳар биримизга гуруҳ бағишлайди, албатта. Аммо ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу ютуқлар ортида ҳам маънавий меҳнат, аниқ-таҳлили хулосалар, оқилона ислохот ётибди, десак янглимаган бўламиз. Ўтган йигирма беш йил давомида юртимизда “Келажак — ёшлар қўлида” деган эзгу шioriни англаб бораётган янги авлод шаклланди. Натияжада уларда ижтимоий фаоллик, маънавий ва ҳуқуқий онг, ватанпарварлик туйғулари кучайди. “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт” деган эзгу шior ос-

тида ёшларнинг ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб етишлари йўлида ҳеч нимани аямаслик Юртбошимиз ташаббуси билан давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Республикаимизда ҳар бир фуқаро бепул тиббий хизматдан фойдаланиши, таълим олиш ҳуқуқига эга, вояга етмаган шахсларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши Конституцияда белгилаб қўйилган. Қолаверса, “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз таълим тизимида янги бир жараёни очиб берди. Бугун юртимизнинг энг чека жойларида ҳам ўқувчиларнинг касб-ҳунар эгаллашлари ва таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган. “9+3” тизими эса мактабда эгалланган билимларнинг лицей-коллежаларда мустақамланиб, олий таълим учун кучли пойдевор бўлаётгани кўплаб мамлакатларда қизиқиш ва ҳавас уйғотаётгани аниқ ҳақиқат. Ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловларнинг ўтказилиши юртимиздаги минглаб ўил-ўзиларнинг янги истеъод қирраларини очиш, иқтидорини намойиш қилиш имкониятини бермоқда. Бу йўлда том маънода ёшларимизнинг таянчи, қанотига ай-

ланиб улгурган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг хизматлари беқиёс. Ташкилотнинг “Менинг бизнес роғам”, “Ёш тадбиркор — юртга мадақкор”, “Шунқорлар”, “Камолот маликаси”, “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар танловлари, “Сиз қонунни биласизми?” каби танловлари натижасида ёшлар тадбиркорлик, фан, спорт, санъат соҳаларида кўплаб ютуқларга эришиб келишмоқда. Мухими, ушбу танловлар ёшларимиз ўртасида ақиллик, бирдамлик, ўзига бўлган ишончини шакллантирмоқда. Ўтган йиллар давомида спортчиларимиз жаҳон ареналарида Ўзбекистон байроғини юксакка кўтаришгани, халқоракан олимпиадаларида олтин, кумуш, бронза медалларни қўлга киритгани, чет тилларни мукамал эгаллаб, хорижлик тенгдошлари билан ҳар қайси жаҳонда беллашаётгани ёки бизнес соҳасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, мамлакатнинг тирақчилигига айланаётгани албатта, қувонарли. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон туғилиб вояга етар экан, унинг ҳар бир муваффақияти Ватан билан боғлиқ. Юрт қуёши, оби-нони уни жисман кучга тўлдирса, ажлодлар мероси, ота-она ва устозлар берган таълим-тарбия, маънавиятини ошириб бораверади.

Бугунги тараққиёт, бугунги хулосалар Юртбошимизнинг “Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур” деган сўзларини ёдга солади. Дунё ва юртимиз манзараларини кузата туриб, бу сўзларда нафақат жисмоний баркамоллик, балки маънавий юксаклик ҳам назарда тутилганига ишонч ҳосил қилиб борапмиз.

Феруза ХАЙРУЛЛАЕВА

► БУ ТУРФА ОЛАМ

ЕГУЛИК ВА ДИД...

Буни қарангки, бир хил егулик истеъмол қилиш ҳам одамлар ўртасидаги муносабатни яхшилашга таъсир қилиши мумкин экан. Чикаго университети психологлари ўтказган тажриба буни тасдиқлади.



Тажрибада қатнашган кишиларга пул берилди ва уларга нотаниш шериклар қидириб топилди. Сўнг иштирокчи шеригига маълум миқдордаги суммани ажратди. Охирида эса қанча маблағ сарф қилингани ва қанча пул қайтиши ҳисоб-китоб қилинди. Ушбу молиявий ўйиндан аввал биринчи гуруҳ иштирокчилари фақат бир хил конфетларни истеъмол қилишди. Бошқа гуруҳдагилар эса турли хил конфетларни танлашган. Натияжада бир хил конфет еган биринчи гуруҳдаги қатнашчилар нотаниш шеригига кўпроқ пул бергани маълум бўлди. Олимлар мантқиққа таяниб қарор қилди-ганларнинг фикрларига уларнинг диллари таъсир этади, деган хулосага келишди. Яъни бир хил егуликни танлайдиган дили ўхшаш кишилар ўртасида ишончли муносабат бўлиши ва ҳамкорликда ишлаши мумкин. Масалан, конференциялар ёки ишга алоқадор учрашувларда ташкилотчилар егуликлар сонини қисқартиришлари мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу орқали одамлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик мустақамланади. Улар кийиниш ва бошқа нарсаларда диднинг бир хиллиги егулик сингари натижа бермаслигини ҳам таъкидлашмоқда.

АЛКОГОЛГА ТОБЕ БЎЛИШ СИРИ

Алкоголни ичимлик инсонни ҳар қуйга солиши барчага аён. Хўш, бу жараён қандай рўй беради? Нега ичкиликка берилган инсонлар ундан воз кечиши бу қадар қийин? Олимлар бунинг сабабини аниқлашди.



Спиртли ичимлик организмда дофамин, яъни дээлат гормони ишлаб чиқаришни тезлаштиради. Организмга алкоголь тушиши ва дофамин ишлаб чиқарилиши билан унга тобеллик бошланади. Уни тез-тез истеъмол қилиш эса ички тақий, яъни ўз-ўзини идора қилиш кучини йўқота боради.

Организмда икки хил дофамин бўлиб, D1 — ушбу моддага йўл очади, D2 — унинг синтезига тўсқинлик қилади. Тадқиқот натижасида спиртли ичимликни мунтазам истеъмол қилиш D2ни заифлаштириши аниқланди. Оқибатда ички тўсиқ йўқолиб, меъёр бузилади. Тадқиқотчилар кимёвий дорилар орқали D2 рецепторини кучайтиришга уриниб кўришди. Бунинг учун сичқонлар устида тажриба ўтказилди. Бу яхши самара берди. Назарий жиҳатдан мазкур янгилик ичкиликка тобе одамларни даволашда ёрдам бериши мумкин, бироқ амалиётда уни қўллаш терапияси ҳозирча ноаниқ.

ЭВОЛЮЦИЯ ВА ЖОНИВОРЛАР ДУМИ

Қуруқликда яшовчи жониворларнинг пайдо бўлиши ва эволюциясида дум қатта рол ўйнаган экан. Бунга Жоржин технология институти биологлари ойдинлик киритди.



Бундан 385-360 миллион йиллар аввал барча жониворлар сувда яшаган, кейинчалик улар аста-секин қуруқликка яшашга мослашган. Сувда яшашга мослашган жониворлар қуруқликка чиққач, бир қанча тўсиқларга дуч келган. Биринчидан, улар бошқа ерга жойлашишларига имкон берадиган қулай усул топишлари керак эди. Иккинчидан, тўсиқлар оша ҳамда қия қирғоқлар узра юришни ўрганишлари зарур бўлди.

Бунга қандай эришилганини аниқлаш учун олимлар балчиқда яшайдиган сакровчи балиқларга этибор қаратишди. Уларнинг кўкрагидаги сузғичлари қуруқликда яшаган ҳайвонларнинг сўнгги вакиллари эслатади. Бундай балиқлар сакраш учун думларидан ҳам фойдаланади. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, думнинг яси юзаси ҳаракатга ҳеч қандай ёрдам бермайди. Бироқ қияликларда, масалан, 10 градусли бурчакда дум ҳаракатининг учдан бирита ёрдам берса, 20 градусли бурчакда эса ҳаракатнинг ярмини бажаради.

Олимлар сакровчи балиқларга ўхшашган робот яратишди. Бу орқали қуруқликда яшаган жониворларга дум қанчалик асқотганини аниқлашга уринишди. Дум ҳақиқатан ҳам қияликларда, ёнлама ҳаракатларда зарур бўлган, шунингдек, жонивор паства сирғалиб кетмаслиги учун лантар вазифасини бажарган.

Интернет материаллари асосида Х. АХМАДЖОНОВА тайёрлади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ 22-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: **Фарғона вилояти Сўх туманидаги “Обширсой” сел сув оқимлари йўлини, қирғоқларни мустаҳкам қилиш ишлари.**
Бошланғич нархи — 6 406 562 012 сўм ҚҚСсиз, 7 687 874 415 сўм ҚҚС билан.
Муддати — 18 ой.
Буюртмачи: **Фарғона вилояти 22-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.**
Манзил: **Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 92-уй, тел.: (0-373) 244-70-85.**
Қурилиш-монтаж ишлари: **Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 % миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк қарорномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.
Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда оферталарни очиш кун ва вақтигача қабул қилинади.
Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, (кун ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) **Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 92-уйда ўтказилади.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 миллион сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат тақлифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қат-

нашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиши ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 36-уй. Телефон/факс: (0-373) 244-68-90, 998-98-276-25-48.**
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.
Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда оферталарни очиш кун ва вақтигача қабул қилинади.
Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, (кун ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) **Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 92-уйда ўтказилади.**

«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдосига “ЯШНА ЮРТИМ” сув истеъмолчилари уюшмасига тегишли 1986 йилда ишлаб чиқарилган Т28х4ма русумли кишлоқ хўжалиги техникаси қўйилмоқда. Б/б — 594 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 16 август куни соат 11:00 да савдо ташкилотчисининг савдолар залида бўлиб ўтади. Юқоридидаги кишлоқ хўжалик техникаси 2016 йил 16 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2016 йилнинг 23 август куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Global Savdo Fayz Buxara” МЧЖнинг ЧЭКИ “Савдогарбанк” Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 2020800050501774001, МФО: 00112, ИНН: 302485226. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ. Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 12-уй. Телефон: (0365) 221-54-43.

Ёдгор сўзлар

АЛЛОМАЛАР
САНЪАТ
ТЎҒРИСИДА

...Хиндустон дўллари шундай томоша кўрсатдики, бизнинг вилоятлардаги дўллалардан бундай ишларни кўрган эмасдик. Масалан, бири шундайки, улар етти ҳалқани олиб, биттасини пешонасига ва иккитасини тиззасига жойлаштиради. Қолган тўртта ҳалқани иккитасини кўлининг бармоқларига, иккитасини оёғи бармоқларига кийдириб тез ва тўхтовсиз айлантиради. Яна бири — товуслорни усули бўлиб, унда дўл билан ерга таяниб, бошқа кўли ва икки оёғини юқори-га кўтарилади ва уларнинг ҳар бирига ҳалқа кийдириб, бу уч ҳалқани тез ва тўхтовсиз айлантиради.

Яна бир томошаси шундайки, бизнинг ўлкалардаги дўллалар икки ёғочни оёқларига боғлаб, "пойи чўбин" — ёғоч оёқ қилиб юрадилар. Хиндустонлик дўллалар эса бир оёғи билан "ёғоч оёқ" қилиб, уни ҳатто оёқларига боғламасдан ҳам юра оладилар.

"Бобурнома"дан

...Бирон халтурачи шоирга, масалан, том шуватиш учун пул ёки бирон ишини битириш учун тездан обрў зарур бўлиб қолади. Шоир ҳар ерда бетўхтов ўтадиган бирон мавзуда дарров шеръ ёзади, кейин ўзига ўхшаш халтурачи композиторни қидириб топади, икки халтурачининг ҳамкорлигида халтура ашула майдонга келади.

...Композиторлардан бир қисми ҳозирги ўзбек поэзиясини тахминан ҳам билишмаса керак, халтурачининг бемаза нарсаларини, поэзияга етти пушти бегона кишиларнинг машқларини шеръ деб, унга музика ёзишади.

...Оддий камонча — оддий ёғоч кутидан гижжақчи аломат садолар чиқаради. Оддий сўз ва товусларнинг маълум тартибда қўйилиши ашула ижодкорларнинг кўлида қудратли кучга айланиши, қалбимизга йўл топиши, кувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши керак.

Абдулла ҚАҲҲОР


...Бир воқеани сира унутолмайман. Берлиндаги расмлар галереясида бир суверат бор экан. Унда почта маркалари, бўр билан чизилган чизиқлар, муайян тартибда жойлаштирилган мислар, эски автобус чипталари аралаш-қуралаш тасвирланган. Рассомлик санъатини биламан деган бир доно шу сувератни "Сикет мадоннаси"дан кўра зўрроқ ва таъсирчанроқ, деди. Мен унинг фикрига қўшилмадим. У шунақа хафа бўлдики, кўяверинг.

Жов ГОЛСУОРСИ

ҚАЛБ ҚУШКИНИНГ
САДОСИ

КИТОБИНГИЗНИ ҲАҚИДИМ

Ижодга ошна бўлган одам ҳеч қачон қаримайди. Бунини мен жаҳон адабиёти классиклари, ўзимизнинг таниқли адиблар асарларини мутулаа қилиб, кўп бора дилдан ҳис қилганман. Улар жисмонан ёши улғайсалар-да, лекин ақдан ёшлардай навқирон ижод қилаверадилар. Бундай ижодкорларнинг қалбларини ҳамон оташ муҳаббат ўтлари «ёндираверади», ҳаётнинг чигал муаммолари қийнаверади, курашларга тушаётган полвонлардай жўшиб-жўшиб ёзаверадилар. Ақл ҳеч қачон қаримайди.



Мулаллиф бу туйғуни улар «онги»га ўз фалсафий қарашлари орқали сингдиради. Зеро, адабиёт кишиларни ҳамма вақт яхшилик ва ёруғликка чорлаган. Бунини, айниқса, «Қуш уяси», «Офтоби кунлар», «Муз остида» ҳикояларида сезиш мумкин.

Абдусаттор ўз ҳикояларида оддий, лекин мард, танги, ҳалол кишилар образини яратишга интиланган. Кишидоғи довуғини қозониши учун курашда етим болага енгилган чавандон экан: «Айғир кишнаши», оила шашни ва обрўсини сақлаб қолиш ниятида боғ яратиш учун тоғларга чиқиб кетган чол («Танқолик») ўқувчида олижаноб туйғуларни мавжлантиради.

«Гуллаётган дарахт»ни ўқиб, ижодкорнинг кичик жанрда ҳам бир неча давр воқеаларини қаламга олишга интиланган ва шу тарихда турли йиллар одамлари дунёқарашини ёритиш асносида ўқувчининг фалсафий мушоҳадаларга ундайдиган асар битганини пайқаш мумкин. Бу эса адибнинг йирик асарлар ёза олиш қобилияти алақачон шаклланигандан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, А.Ҳотамовнинг десрди барча ижод намуналарида миллий ва умуминсоний қадриятлар жўшқинлик билан маълд этилади, уларга неча-неча асарлардан бери дунё тан олаётган улғ аждоқларимизнинг доно фикрлари, ҳикматлари усталик билан сингдирилади.

Ҳикояларда қаҳрамонлар бир-бирларидан фарқли равишда сўзлашишлари ижодкор тил устида анча жишди шугулланаётганини намоён этади. Бундай фарқ персонажнинг характери, касби, яшаш тарзи, ҳатто ёшида ҳам сезилиши муаллифнинг кўп йиллик ижодий изланишлари натижаси эканлигини эътироф этиш адолатдан бўлади, албатта.

Устоз ижодкор Абдусаттор Ҳотамовнинг навбатдаги китобини деган, ўзимнинг чин дилдан чиққан фикрларни сиз билан ўртоқлашим келди. Чунки ҳар бир янги китоб қалбларга маърифатнинг ёруғлик нашидасини олиб киради. Бундай китобларни яратаётган адиб ижоднинг ўзига хос сирли оламида муносиб жой эгаллаб, ҳали-бери қўлидан қалами тушмаслигидан далолат бериб турибди.

Мексикалик таниқли адиб Карлос Фуентес ижод ҳақида шундай деган экан: «Бир асарга нуқта қўйганим ҳамон юрагимда кейинги асарим туғилади. Эҳтимол, шу энг сўнгги сирди, деб ўйлаб қоламан. Аммо қалбимга қулоқ солсам, унда ҳамини бир қуш тинимсиз сайрайверади. Ижодга, ёзишга муҳаббат куйини ҳис этаман шунда. Уша қуш ижодкорнинг кўнгил садоси».

Бу сўзлар биз янги китобини мутулаа қилиб, у ҳақда бирозгина фикр юритган алдимизга ҳам айнан тегишли. У ҳам ҳали муътабар ёшда бўлса ҳам, сира тинимсиз сайрайверади.

Ижодкор ҳеч қачон қаримайди, — дейди у. Алибининг ҳали муштарий юзини кўрмаган «Юртнинг кучоқдан бола» қиссаси сўзимизнинг исботидир. У нашрдан чиққач, бу китоб ҳақида ҳам фикр юритиш эса бошқа мавзу.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ТААССУРОТ

Ҳар бир шоирнинг "характери"ни ифодаловчи ўз сўзлари бўлади. Уларнинг нозик услубларини ишоралари орқали ўқиб оламиз. Бирок асарнинг ўзига хослигини талқин қилишдан олдин, муаллиф ижодидаги янги сўз, ибора ва тасвир воситаларини юракдан ўтказишга тўғри келади.



Назокат рамзи

Яқинда "Akademnashr" томонидан чоп этилган "Биз истиқлол фарзандларимиз" номли баёзда ҳам бугунги ёшларнинг ижод намуналари жамланган. Тўпламнинг масул муҳаррири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ҳар бир шерънинг тиниқлиги ва беғуборлигига алоҳида эътибор қаратган.

Мен сени унутдим — паршонхотир Қора сочларингга ёдим оқ шерлар...
Еки:
Она, дунёдаги барча йўллар қам,
Печун юзигадаги ашмак кўпроқ...
дея кўнгил кечинмаларини қозоғга зийнатлаган сурхондар-қозғаш ташилган Назрулло Эргашев сўзга катта масъулият билан ёндашади. Ота-она олдидаги бурни ҳис қилган фарзанднинг "паршонхотир"лиги, бошқача айтганда, "онгли ҳаракат"и китобхонни фикрлашга мажбур этади. Андижонлик Дилсора Усмонова эса хаёлот осмонда туриб:

Эй, кўнраги дилбар, париваш,
Юлдуз, менга кўнгли бўлиб туш...
Юлдуз, менга кўнгли бўлиб туш...
деди. Дилсора дунёни англашнинг табии тунгли кўнглига кўчиришдан бошлайди. Бу шубҳасиз, нозик руҳий кузатув.

Шеръ — сехр, сехрланиш кайфиятини берувчи илоҳий неъмат. Фақат кўз (нигоҳ) орқали инсон руҳиятидаги ипак-ли майин, ўргимчак ришта-сидай нозик туйғуларни кўра олиш мумкин.

Қўларини тундим, қизардинг,
Юракларда ёниш бор, ёниш,
Лабларимни оловга бодим,
Ҳисар қилди бунда уюниш...

Хоразмлик Отабек Оди-нинг бу шеръидagi қизармоқ (яъни уялиш, уятни билиш, ҳаё қилмоқ) сўзи ахлоқий софлик, мусаффолик ва тўғрилиққа тўс бериб тасвирланган. Оддий ва қуруқ из-қорлардан тамомила холи, ишқий кечинмалар маҳорат билан ёзилган.

Чидайман не бўлса ҳам,
Қиз палахмон тошадир.
Ёнаётган ёмғирмас,
Дилларфўзининг ёшидир...

Сўзимиз якунида, эндигина адабиёт оламига тетапоз бўлиб кириб келаётган бу ижодкорлар орасидан адабиётимизнинг ҳақиқий фидойилари етишиб чиқишига умид қилиб қоламиз.

Адиба УМИРОВА

кулган даври



— Ҳали вақт борми?
— Ҳа, бироз вақт бор, — деди отанинг шашгини пасайтирмастик учун мактаб директори.
— Бўлмаса, мен сизларга бир воқеани айтиб берай... Утпан асрнинг етмишинчи йиллари бошлари. Мен қурилишда прораб эдим. Бир бино қураётгандик. Гишт етмай қолди. Катталар билан уришиб-тортишиб гишт топдим. Сўнг цемент камлик қилди... Ун тонна олдим, деб қўл қўйиб берсанг, беш тонна берамиз, дейишди. Ноилож мажбур бўлдим. Қурилиш вақтида туталламас бўлмасди. Туталладик ҳам. Аммо худди шуни қутиб тургандай текшириш бошланди... Кейин кўп можаролар бўлди...
— Бу гаплар менга ортиқчадай туюлди. Ҳеч ким ундан бунини сурамаганди. Аммо "Берди"сини эшитмай қулоса қилган эканман. Аслида ҳаётини мисолга ҳам шу жойда ўрин бор экан. Отабой ота бунини чўқур аниқлаб қўйди.
— Мен бу гапни айтишганим бежиз эмас. Бировнинг қўлига қарамликдан ёмоний йўқ. Қўриқда мен айтган ҳолат айнан шу қарамликдан келиб чиққан эди. Юрт мустақиллиги сабаб ана шу қарамликдан халос бўлди. Нима керак бўлса, ўзимиз учун ўзимиз топшига, яратишга ўртандик.

Публицистика

Бунинг учун шукрона айтсак арзийди.
Мактаб директори бизни матни зарҳал ҳарфлар билан битилиб, нақшинкор ҳошия билан ўраб олинган ва фойеннинг ҳар бир бурчагидан кўзга ташланиб турган кўргазма сари бошлади. Узи истаган қарор таъкидларини ўқиб, Отабой ота қўлининг бир учи билан ҳошияни силаб қўйди. Ундан Президентимизнинг болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш юзасидан қарори жой олган эди.

3
Шинам ва кўркам концерт залада, биринчи қаторнинг ўртасида ўтирдик. Мактаб ўқувчилари ўзлари тайёрланган қўшиқлар ва куйлар, рақслар гулшасини тақдим этишди.

Отабой ота бежирим саҳнага диққат билан разм солди. У катта концерт залларидай безатилган. Бир чеккада улкан роля ларров эътиборни ўзига тортади. Шунингдек, баастир техника воситаларининг турли хиллари мужжасам.

Баланд бўйли, юзу кўзларидан ишонч ва умид порлаб турган икки ёш конференсасе бутун залга, ундан кейин меҳмонларга, Отабой отага алоҳида таъзим бажо қилишди. Сўнг концерт бошланди.

Ўғил-қизлар ранг-баранг қўшиқлар ва рақсларни, куйларни бирин-кетин турли тилларда ижро этишди. Мусиқа ва санъат мактабидеа фонограммидан фойдаланилмастлигини, жонли ижро концертнинг жони бўлишини дарров фаҳмладик. Отабой ота менга қараб, "Бу сизга бозор кўрган ҳаваскорларнинг, мен уларни санъаткор демайман, концертти эмас" деб қўйди. Унинг фикрини маъқулладим. Қўшиқлар ва куйлар оралитидаги бироз тўхталишлар вақтида шундан ортиқ гаплашиб бўлмасди. Бунга анча вақт чалиниб тургучи қарсақлар ҳам имкон бер-

масди. Қолаверса, қарсақнинг кўпини Отабой отанинги ўзи чаларди.
Отабой ота катта роляда куй чалган қизчанинги санъатига ҳам, юрагига ҳам қўйиб қолди. Ёш санъаткорнинг бармоқлари улкан мусиқа асбоби пардаларида беқийс бир тезлик ва меҳр билан ҳаракатланарди. Чамамда у шу топда жаҳон санъати хазинасида ўрин эгаллаган куйдан ҳам ҳузур топди. Лекин қизчани мақташ учун ҳам сўз топа олмай қолди. Буни унинг ҳайрат ҳолатидан англадим. Куй туғана-нидан сўнг у ўрнидан туриб қарсақ чала бошлади. Шунда унинг кулоғига аста шивирладим:
— Европа мусиқасини ёқтирасизми?
— Мен ўзимизнинг болалар чалган мусиқани ёқтираман.
Кўп ўтмай ёш конференсасе эълон қилди.
— Энди навбат халқаро танлов голиби Диёрбек Мадрохимовга. Академик ижро бўлими ўқувчиси. Ўқувчилар қарсақ чалиб, ўз мактабдошларини олқишладилар.
Турусини айтганда, Диёрбек ҳали санъат гулшанининг чинакам гўнчаси экан. Қўлидаги рубоб ҳам унга катталик қилаётгандай туюлди. Лекин жажжи бармоқлар пардалар устида югуриб, куй дарё мавжларига ўхшаб шиддатлана бошлаганида, барча тасавурлар хира тортиб қолди. У ахир "Суворо"ни ижро эта бошлади. Бу қўшиқни кимлар ижро этмаган? Барча машҳур санъаткорлар учун юксалиш зинапоеси бўлган у. Диёрбек ана шу зинапоядан юришга қайси юрак билан жазм этди экан? Менга унинг юраги роля чалган ўқувчининг юрагидан ҳам каттароқ туюлди. Ҳар ҳолда, катта санъаткорларнинг концертларига тушамиз, деб пайт пойлаб юргандан кўра санъат гуна-ларининг беимнат ва ҳузурни кўп концертга тушиб туриш афзал экан деган хулосага келдим.

Албатта, унинг ижросида ҳали сайқаллаштириш, жило бериш лозим бўлган ўринлар оз эмас. Аммо бир нарсани аниқ: Диёрбек каби ёшлар ўз журъати ва шижоати билан улғу аллома устозларнинг ибратидан куч олишади. Уларда юлдузлардай чакнаш орзу истаклари устувор. Бу орзу-истаклар эса кўп ўтмай ушалиши мукддирар.

Отабой отанинги набираси ҳам қўшиқ айтиб, ҳам-мани ҳушуд этди.
Уйлаганимдан фарқли ўлароқ, ота бу сафар қар-саққа зўр бермади. Бошқаларга қўшилиши турди, холос. Унинг бу ҳаракатини, тўғриси, тушунамдим. Шунда у яхшилаб тушунтириб қўйди.
— Ҳали кўп ишлашимиз керак экан, уйда ҳам, мактабда ҳам. Аммо устозига раҳмат.

Концерт тугади. Ундан бир олам таассурот олдик. Бугун мактаб саҳнасида қўшиқ ва куйлари янраган санъат гуначаларининг келажаги биз ва ўзлари кут-гандан ҳам порлоқ бўлишига ишондик. Муҳтарам меҳмон сифатида саҳнага тақдир қилишганда, Ота-бой ота ҳам шу гапларни айтди.

4
Сотим АВАЗ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюмчаси аъзоси

5
6

РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ

► БУ ШУНДАЙ ТУЙГУКИ...

Сиз шу кунларда азим Самарқандда бўлганмисиз? Албатта, ҳамюртларимизни аксарияти бу қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарни саёҳат қилишган. Кимдир қариндошлик ришталари боис, кимдир хизмат сафари билан ва яна кимдир зиёрат учун. Бироқ сиз ҳаммасига шошиб-пишиб бир бор кўз югуртирасиз ва ёнингиздаги танишингиз ҳам ўз билганича тушунтиради. Аммо Самарқандни бир кунда ҳеч қачон томоша қилиб улгурмайсиз, бунинг учун бир ҳафта, балки бир ой керак.

Сафарда албатта, шаҳар тарихини чуқур биладиган инсонлар ва тажрибали йўл бошловчилар сизга жуда кўмак беради. Мана, магрибдан келган, ёши саксонларга бориб қолган италиян сайёҳи бирор маънавий-тарихий тушунча оламан деб ўзига тилмоч олибди. У обидалар тарихини сайёҳга батафсил тушунтирмоқда. Сайёҳ кўзларида чексиз ҳаяжон ва ҳайрат, мен эса бундан гурурланаман.

Улуғ бобомиз Амир Темур агар бизнинг қудратимизни кўрмоқчи бўлсанг, биз қурган минораларга боқ деб бежиз айтмаган экан.

Яқинда биз «Оҳангарон-шифер» акциядорлик жамия-

тининг ишчи-хизматчиларининг бир гуруҳи Самарқанд зиёратига отландик. Пойтахтимизнинг марказий темир йўл вокзалида роппа-роса соат еттида «Афросиёб» тезорар поездига ўтирдик. Маълумки, гоёт тезорар поездлар сайёрамиздаги икки юздан зиёд давлатнинг фақат йигирмата-сида бор, холос. Ўзбекистон ҳам шулар орасидадир. Бу поезд икки соатда Тошкентдан Самарқандга элиб қўяди. Ҳозир бу поездга чипта олиш бироз мушкул ва баъзан икки ой олдин чипта олишга тўғри келади. Бунинг асосий сабаби мамлакатимизга йилига икки миллиондан зиёд турист келмоқда ва турли турфирмалар кўплаб чипталар олишмоқда, негаки, чет эллик сайёҳлар тезорар поездини маъқул

кўрмоқдалар. Шу йил мустақиллик байрами арафасида мазкур тезорар поезд Бухорога ҳам боради ва яқин орада Фарғона водийсига ҳам бора, ажаб эмас.

Вагон ойнасидан ташқарига тикиламиз. Кенг майдонларда интенсив боғлар... Мустақилликкача булган ярим хароба уйлар кўринмайди. Юртбошимиз ташаббуси билан қурилган янги замонавий намунали уйлар кўзни қувонтиради.

Ҳовлисида анвойи гуллар очилиб ётган Самарқанд вокзалдан меҳмонхонагача бўлган кўчалар четидаги бир-биридан кўркем уйларга ҳавасинг келади.

Самарқандда «Регистон плаза» номли муҳташам меҳмонхонага жойлашдик. Меҳ-

монхонада Франция, Италия, Германия, Япония, Туркия ва бошқа мамлакатлардан келган сайёҳларни учратдик. Деярли ҳаммаси қариялар, кийган кийимлари оддий. Кўпчилиги жуфти-жуфти билан келибди. Бизнинг кексалар учун ибрат оладиган жиҳат бу. Бизнинг отахон-онахонларимиз ҳар хил чақирқ, бешик тўй каби маросимлардан воз кечиб, солланишиб, дунё кезишса, қандай яхши.

Бошига дўшини дол қўйиб, белига белбоғ сирмаган ҳамюртларимизни кўрганлар, «Ана, ўзбекистонликлар» дейишди. Бу ҳам тўқчилик, фаровонликнинг бир тарғиботи.

Биз ҳамisha шинам хоналарга жойлашиб, тушликдан сўнг ҳадис илмининг султони

Имом Бухорий мажмуасига отландик. Маълумки, Имом Бухорий ҳижрий 190 йилда Бухоронинг Пойкент қишлоғида дунёга келган. Қирқ йил Маккаи Мукаррамада қолиб пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламни кўрган ва суҳбатлашган одамларнинг ўша кунгача етиб келган ҳадисларини эшитган минглаб одамлар билан учрашиб, энг ишончли ҳадисларни тўплаб «Жомеъ ас-Саҳиҳ», яъни энг ишончли ҳадислар тўпламини яратди. Қирқ йилдан сўнг Бухорога қайтди. Бухоро амири Холид ибн Аҳмаднинг бирга ишлаш таклифини рад этади. Шундан сўнг Самарқанд шаҳри яқинидаги қариндошлари яшайдиган Хартанг қишлоғидан кўним



топтилар. Имом Бухорий ўзларини буткул илмга бағишладилар ва рўзгор қилмадилар. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунча Имом Бухорийнинг қабри ташландиқ ва аянчли ҳадисларни тўплаб «Жомеъ ас-Саҳиҳ», яъни энг ишончли ҳадислар тўпламини яратди. Қирқ йилдан сўнг Бухорога қайтди. Бухоро амири Холид ибн Аҳмаднинг бирга ишлаш таклифини рад этади. Шундан сўнг Самарқанд шаҳри яқинидаги қариндошлари яшайдиган Хартанг қишлоғидан кўним

Кўйинг-чи, бизга икки кунлик саёҳат жуда камлик қилди. Тошкентга қайтишда машҳур Самарқанд нонидан дўстларга ҳарид қилдик. Ҳа, бу жаҳонда тенги йўқ Самарқанд эди. Ваҳоланки, мамлакатимизда 7570 та тарихий маскан, шу жумладан, 2330 та архитектура, 3945 та археологик ва 1138 та тарихий обидалар давлат ҳимоясига олинган. Бу эса жуда катта маънавий бойлик. Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Тунис, Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон каби мамлакатлар иқтисодини туризмсиз тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистонда ҳам йилдан-йилга туристлар сони кўпаймоқда. Агар ҳаммамиз ҳам ҳафса қилиб Самарқанд, Бухоро, Хивадаги тарихий обидаларни тез-тез зиёрат қилиб турсак, бу фойдалан холи бўлмайди. Зеро, истиқлол шарофати билан янгидан кўрк очган мазкур масканларни зиёрат қилиш катта савобдир.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
«Оҳангароншифер» АЖ
касаба уюшмаси
қўмитаси раиси



Reklama



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! “Асака” банк

яқинлашиб келаётган “Мустақиллик кўни” байрами муносабати билан кўидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

“МУСТАҚИЛЛИК — 25”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади



“Асака” банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11



“FITCH RATINGS”
ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ

“МИКРОКРЕДИТБАНК”
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧИНИ

“В”
“БАРҚАРОР”
ДЕБ ТАСДИҚЛАДИ.

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда
Адади: 3000 Буюртма — S-6460 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88

Тел-факс: (0-371) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91

Самарқанд: (0-366) 233-62-12

Топшириш вақти — 20⁰⁰ Топширилди — 20⁰⁰



Индекс: якка
обуначилар ва
ташқиловлар
учун — 233

Манзилимиз: 100129,

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва оператор Шолазиз Шохидоев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Элмурод Нишоннов

“O'zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.